

Қодиров Абдивали Усмонқулович
ЎзДЖТ университети ўқитувчиси,
Тошкент ислом институти ўқитувчиси
+998 91 135 00 69
olimabdulloh703@gmail.com

“БИРРУЛ ВОЛИДАЙН” АСАРИ ВА ЎША ЖАНРДА ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

Аннотация: Бу мақолада Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асари ва ўша жанрда ёзилган асарлар ҳақида маълумот берилган. Ҳамда уларнинг қисқача изоҳи келтирилган.

Калит сўзлар: Оят, Тартуша, “Шифоус сиком”, “Муснади Молик”, Тулайтила.

“Биррул волидайн” {بِرُّ الْوَالِدَيْنِ} сўзи араб тилида “ота-онага яхшилик қилиш” маъносини билдиради [1:71]. Инсон яралибди-ки, бу умуминсоний қадрият динлар ва халқлар орасида мавжуд. Айниқса, Ислом дини ота-онага яхшилик қилишни Аллоҳнинг фарз ибодатидан кейинги энг афзал амал сифатида улуғлади.

Ота-онани ҳурмат қилиш, уларга иззат-икром кўрсатиш Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда ўз аксини топган. Уламолар ҳар бир даврда бу масалага алоҳида эътибор қаратишган. Баъзилар айнан шу мавзуга доир ҳадисларни бир китоб ҳолида жам қилган бўлса, баъзилар Қуръони каримнинг ота-онага яхшилик қилиш ҳақидаги оятларни жамлаб алоҳида китоб ёзган. Баъзилар ушбу оят ва ҳадисларга шарҳлар битган.

Ўрганишлар асносида шу маълум бўлдики, ота-онага яхшилик қилиш, уларни ҳурматини жойига қўйишга бағишланган китоб, рисола ва асарлар милодий VIII асрдан ёзила бошланган. Бу асарларнинг баъзилари “Биррул Волидайн” яъни, “Ота-онага яхшилик қилиш” деб номланган. Баъзиларига муаллифи томонидан бошқача ном билан номланган бўлсада, лекин деярли барчасини номланишида “Биррул Волидайн” жумласи бор. Айнан шу йўналишдаги илк мустақил асарлардан бири буюк ватандошимиз, муҳаддислар султони Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (194-256/810-870) қаламига мансубдир.

Бухорий бу асарида ота-онага яхшилик қилиш, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчларини ёритиб бериш, улар билан алоқани мустаҳкамлаш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик каби яхши хислатларни баён қилишни асосий мақсад қилган. Шунинг учун унда ота-онага яхшилик қилиш тўғрисидаги Аллоҳ таолонинг оятларини, Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини, ва салаф олимларининг асарларини келтирган. Ва уни “Биррул Волидайн” деб номлаган.

Бухоридан кейин олимлар бу мавзуда бирин кетин китоб ёза бошлади. Бу асарлар турли йилларда ёзилганига қарамасдан деярли барчаси ота-онага яхшилик қилишга қаратилган ва Бухорийнинг “Биррул Волидайн” асари жанрида ёзилган. Бу асарлардан баъзилари ҳақида ҳамда муаллифи борасида қисқача маълумот бериб ўтамыз:

1) Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг “Биррул волидайн” (ота-онага яхшилик қилиш) асаридир. Тепада айтганимиздек бу асар ушбу мавзуда ёзилган биринчи асар ҳисобланади. Бу асарнинг дунёда иккита қадимий нусхаси борлиги аниқланди. Ўша

қадимий нусхалари асосида 2014-йил Мисрда “Имом ал-Бухорий” нашриётида Абу Яъқуб Азҳарий томонидан нашр қилинган. Асарда ота-она ҳурматиға оид 76 та ҳадис ва асарлар келтирилган [2:5].

2) Абу Исҳоқ Иброҳим Ҳарбийнинг (198-285/815-898) “Жузъ мин биррил волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш ҳақида бир бўлим) асаридир. Маълум бир мавзуга доир ривоятлар тўплами ҳадис илмида “жузъ” (“қисм”, “бўлак”, “бўлим”) деб аталади. Имом Бухорийнинг “Биррул волидайн”, “Ал-Қироат холфал имом” ва “Рафъул ядайн” каби асарлари ҳадис китобларининг ушбу туриға киради. Абу Исҳоқ Иброҳим Аҳмад ибн Ҳанбал (164-241/780-855)нинг шогирдларидан бўлиб, Марвда таваллуд топган. Бағдодда илмий фаолият олиб борган. Ўз даврининг таниқли муҳаддисларидан бўлиб, “Ғарибул ҳадис”, “Далоилун нубувват” каби асарлар муаллифи. Унинг яна “Меҳмондорчилик одоби”, “Ҳаммомға бориш одоблари” каби асарлари ҳам мавжуд [3: 32].

3) Абу Муҳаммад Қосим ибн Асбағ Умавий Қуртубий (247-340/862-951) томонидан ёзилган “Китабу биррил волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш китоби) асари. У қуртубалик муҳаддислардан бўлиб, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Ибн Қутайба каби катта олимларнинг шогирди ва Андалусда илмий фаолият олиб борган. Бу киши турли мавзуларда китоб ёзган. Унга мисол қилиб “Муснади Молик”, “Ал-Мунтақо фил-асор”, “Китобус саҳих” каби асарларни айтиш мумкин [3:173].

4) Абу Мусо Исо ибн Ҳаммод Тажибий (ваф. 390/1000)нинг “Биррул волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш) асари. У Лайс ибн Саъднинг шогирдларидан бўлиб, Тулайтила шаҳарчасида туғилган. Манбаларда келтирилишиға қараганда унинг бу асари 5 қисмдан иборат катта ҳажмли асар бўлган, дейилади [3:209].

5) Абу Бакр Тортуший Маликий (451-520/1059-1126)нинг “Биррул волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш) асари. У Андалусиянинг Тартуша шаҳрида таваллуд топган. Қоҳирада мударрислик қилган. Унинг “Сирожул мулук”, “Ал-Ҳавадис вал бедаъ” каби асарлари нашр этилган [4: 200].

6) Тақийиддин Али ибн Абдулкафий Субкий (683-756/1284-1355)нинг “Рисола фи биррил волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш ҳақида рисола) асари. У “Табакотуш Шофеъиял кубро” асари муаллифи Тожиддин Субкийнинг отаси ҳисобланади. Тақийиддин Субкий ўз даврининг таниқли шайхул ислом, алломаларидан бири бўлиб, машҳур “Шифоус сиқом” ва яна 200 дан ортиқ асарлар муаллифидир [4:256].

7) Муҳаммад ибн Аҳмад Хатиб Ширбиний (ваф. 977/1570)нинг “Рисола фи биррил волидайн” (ота-онаға яхшилик қилиш ҳақида рисола) асари. У Шофеъий мазҳабининг машҳур фақиҳ ва муфассирларидан бири ҳисобланади. Унинг қарийб барча асарлари нашр қилинган. Алломанинг “Ас-Сирожул мунир” номли тафсири шуҳрат қозонган. “Ал-Иқноъ”, “Муғниял муҳтож” ва “Маносикул ҳаж” сингари фикҳға доир асарлари шофеъийлик мазҳабининг мўътабар манбалари сифатида қаралади [3:387].

8) Абдулфутуҳ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али Ҳалабий Хулвий (1127-1195/1715-1781)нинг “Саодат ад-дорайни фи биррил волидайн” (ота-онаға яхшилик қилишда икки дунё саодати) асари. Бу ҳалаблик олим 20 дан ортиқ асарлар муаллифидир. У “Хулвия” мадрасасининг бош мударриси сифатида фаолият олиб борган [3:411].

9) Ибн Сиддиқ Ғуморий номи билан машҳур бўлган Абулфайз Аҳмад ибн Муҳаммад (1320-1901/1380-1959)нинг “Биррул волидайн” (Ота-онаға яхшилик қилиш) асари. Бу Мағрибда туғилган. Асосий илми Қоҳирадаги ал-Азҳар олийгоҳида ва Мисрнинг катта шайхларидан олган [3:478].

10) Муҳаммад Ошиқ Илоҳий Барний Маданий (1343-1422/1924-2001)нинг “Биррул волидайн ва ҳукукухума” (Ота-онаға яхшилик қилиш ва уларнинг ҳукуклари) асари. У асли ҳиндистонлик бўлиб, Покистонда кейинчалик Мадина шаҳрида яшаган ҳанафий олимдир. Унинг 50 дан ортиқ асарлари мавжуд, шулардан “Ат-Тасхулуз зарурий” асари шуҳрат қозонган ва ўзбек тилиға ҳам таржима қилинган [5:521].

Умуман олганда, бу мавзуда яна кўплаб асарлар мавжуд. Бундан ташқари, муҳаддислар ўз асарларига ота-онага яхшилик қилишга доир боб ва бўлимларни киритганлар. Масалан, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”да “Китабул адаб”, “Саҳиҳи Муслим”да “Китаб ал-бирр вас-сила вал-адаб”, “Сунани Абу Довуд”да “Китабул адаб”, “Сунани Термизий”да “Китаб ал-бирр вас-сила”, “Сунани Ибн Можа”да “Китабул адаб” номли бўлимлар мавжуд. Бу эса, ота-она мавзуси қанчалик аҳамиятга молик эканини кўрсатади.

Хулоса қиладиган бўлсак, тепада зикр қилганимиздек Имом Бухорийнинг “Биррул волидайн” асари шу мавзу доирасидаги китобларнинг энг аввал битилгани экан. Ундан олдин “Биррул волидайн” ҳақида алоҳида китоб ёзилмаган, балки у умумий ҳадис китобларидан жой олган. Имом Бухорийдан сўнг бу мавзуда китоб таълиф қилувчилар сони кўпайган. Чунки ота-она мавзуси ҳар замон ва маконда аҳамиятга молик масаладир. Киши ўз ота-онасини ҳурмат қилса, уларга иззат-икром кўрсатса инсонларга ҳурмат билан муомала қилиш одати унда шаклланади. Киши ўз ота-онасини қадрламас экан, у бошқа инсонларни қадрига ҳеч қачон етмайди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Муаллифлар жамоаси. “Ан-Наим ул-кабир” арабча-ўзбекча луғат. – Наманган: Наманган нашриёти, 2018. – 805 б.
2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/ Таҳқиқ ва таълиқ: Абу Яъқуб Азҳарий. – Қоҳира: Мактабатул Имамил Бухорий, 2014. – 96 б.
3. Хайридин Зириклий. Ал-Аълум, 1-3-жилд. – Байрут: Дорул илм, 2002. – 512 б.
4. Шамсиддин Заҳабий. Сияру аълумун нубала, 3-жилд. – Байрут: Дорул илм, 2012. – 556 б.
5. Юсуф Мираслий. Насрул жавоҳир вад дурар. – Байрут: Дорул маърифат, 2006. – 456 б.
6. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Биррул волидайн/ Иная ва таҳриж: Бассом ибн Абдулкарим Ҳамзовий. – Тунжа, Мағриб: Ал-Мактабатул Каттонийя, 2014. – 156 б.
7. Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод, 4-жилд. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 1996. – 586 б.
8. Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний. Ал-Мўъжамул муфаҳрис. – Байрут: Муассасатур рисала, 1998. – 578 б.
9. Сиддиқ Ҳасанхон. Ал-Хитто фи зикрис сиҳоҳис ситта. – Байрут: Дорул кутубил илмийя, 2001. – 466 б.